

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солини ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

- 5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;
- 10% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўндирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўлаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида «Ўзэнергоинспекция»нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғида реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солини ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергиянинг амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи

 (Имзо)


Корхона:
 NOKIS QALALIQ
 ETK
 (MURUS SHAHAR)
 ETK
 M. U.
